# ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● КУЗ ОХИРЛАМОҚДА ● ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ УЮШҚОҚЛИК, ТАДБИРКОРЛИК КЎРСАТИБ, ТЕРИМ ГРАФИГИНИ ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШИНГ. ● ҲАР БИР ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, КУРАК УЗИШ, ЧУВИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК. ● ЯНА БИР ЗЎР БЕРСАК БЕЛГИЛАНГАН МАРРА ЭГАЛЛАНАДИ. ● ТЕР ТЎКИБ ЕТИШТИРГАН ҲОСИЛИМИЗНИНГ БИР ГРАММИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИН ● ҲАММАМИЗНИНГ ЎРНИМИЗ ДАЛАДА.


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 223 (6341).

18 НОЯБРЬ

ШАНБА

1978 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.


## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 17 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, мавсум бошидан буён машинада терилгани):

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ҒАЛАБА** | **0,06** | **105,23** | **106,76** |
| **БЎКА** | **0,47** | **102,38** | **103,60** |
| Чиноз | 0,96 | 98,35 | 97,65 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,58 | 97,95 | 100,28 |
| Бекобод | 0,46 | 97,24 | 85,91 |
| Коммунистик | 0,51 | 97,12 | 95,85 |
| Янгийўл | 0,48 | 97,00 | 104,51 |
| Пискент | 1,01 | 83,63 | 69,85 |
| Оққўрғон | 0,71 | 75,78 | 74,75 |
| Область бўйича: | 0,55 | 94,61 | 92,45 |

## ЁШ ИШЧИЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ

Андижон шаҳар 10-ҳунар-техника билим юрти муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида пешқадамлик қилаётган илғор коллективлар сафида бормоқдалар. Уларнинг 1977 йилдаги ютуқлари мамлакатнинг энг яхши завод ва фабрикалари, совхоз ва колхозлари муваффақиятлари каби КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бу фактда кўп маъно — ёш ишчилар мураббийлари меҳнатининг юксак ижтимоий моҳияти эътироф этилиши ҳам, ҳунар-техника таълими системаси билим юртларидаги педагогика маданиятининг янги савияси ҳам ўз ифодасини топган. Машинасоз ишчилар тайёрловчи Андижон билим юрти педагогларининг ўзлари ҳам: партия ташкилотининг ижодий куч-ғайрати ўзларининг самарали ишларига асос бўлганлигини якдиллик билан таъкидлаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Коммунистлар ташаббуси билан ғоят замонавий ишлар бошланди. Иш дарс беришнинг кабинет системасини жорий этиш, таълим асбоб-ускуналарини модернизациялашдан бошланди. Партия таашкилоти билим юрти ички имкониятларини сафарбар этиб, базавий корхоналарнинг коммунистларидан мадад сўради. Шу туфайли таълим-моддий базасини тез реконструкция қилишга муваффақ бўлинди. Билим юртининг партия бюроси ўртага қўйган бошқа бир вазифа ҳам ғоят муваффақиятли ҳал этилди — ёшларни ғоявий меҳнатсеварлик, аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг комплекс плани ишлаб чиқилди.

Партия ташкилоти таълим-тарбия жараёнининг бутун икир-чикирларини аста-секин кўздан кечириб чиқди, ўз ишларига педагоглар коллективини жалб этди, ҳар бир ходимни ташаббус ва юксак талабчанлик билан ишлашга руҳлантирди. Ана шуларнинг натижасида Андижон ҳунар-техника билим юрти беш йилликнинг уч йили мобайнида 900 нафар ёш ишчи тайёрлади. У биронта ҳам шикоят олгани йўқ.

Ҳунар-техника мактаби системасидаги энг яхши партия ташкилотлари кўпдан-кўп ишлар орасида энг муҳимларини танлаб олиб, ўқитувчилар коллективларининг бутун диққат-эътиборини таълим-тарбия ишларининг етакчи йўналишларига қаратишга катта эътибор бермоқдалар. Коммунистлар партия XXV съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системаси ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб ўқув юртлари ҳаётининг ҳамма соҳаларига ўз таъсирларини кучайтирдилар. Энди халқ хўжалигига ҳар йили билим юртларини битириб чиққан 2 миллион йигит ва қиз бориб ишламоқда. Бу нақадар катта марра бўлмасин, келгусида бундан юксак марраларни эгаллаш лозим. Ҳунар-техника мактабининг бутун фаолияти мамлакат экономикасини ривожлантириш эҳтиёжларига, техника тараққиёти эҳтиёжларига тўла-тўкис мос бўлиб тушиши лозим. Коммунистларнинг таълим-тарбия ишини узлуксиз такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун илғор педагогика тажрибасидан тўлиқроқ фойдаланишдан иборат энг муҳим вазифалари ана шундан келиб чиқади.

Ҳунар-техника таълими практикасида энг малакали муаллимлар, усталар раҳбарлик қилаётган проблема семинарлари яхши натижа беришини кўрсатди. Бу семинар қатнашчилари таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий масалаларини синчиклаб ўрганиб, дарс беришнинг, таълим техникасидан фойдаланишнинг, ўқувчиларда билимга бўлган қизиқишни ривожлантиришнинг илғор методикасини эгаллаб олмоқдалар. Педагогик маҳоратни оширишнинг ана шу коллектив формаси турли предметларни ўқитишда касб йўналишини аниқроқ белгилаб олиш имконини берадики, бу форманинг фазилати ҳам худди ана шундан иборат.

Базавий корхоналар коллективлари билим юртлари билан биргаликда тузаётган социал-иқтисодий ривожланиш истиқбол планлари янада кенг миқёсда оммалашмоқда. Бу планлар оталиқ муносабатларига мунтазамлик, уюшқоқлик характерини бахш этади. Таълим-моддий базани изчиллик билан мустаҳкамлаш ва янгилаш учун имконият очилади. Масалан, Москва ҳунар-техника билим юртларининг партия ташкилотлари айни ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда ҳаракат қилиш натижасида бултур таълим устахоналаридаги станокларни анча кўпайтиришга эришдилар.

Бироқ ҳамма жойда ана шундай ҳамкорлик йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Чунончи, Горький областида маҳаллий партия ташкилотларининг кўпдан-кўп мурожаатларига қарамай, СССР Қурилиш министрлиги янги ўқув юртлари қуришга ҳамон бепарволик билан қараб келмоқда. Ўтган беш йилликда бу ерда бинокорлар тайёрлайдиган фақат битта билим юрти қурилди. Ҳозир эса таълим базасини кенгайтириш ҳатто планлаштирилаётгани ҳам йўқ. Қурилиш министрлигининг раҳбарлари вужудга келган вазиятдан тегишли ҳулоса чиқариб олади, деб ўйлаймиз.

Ўрта ҳунар-техника билим юртларининг халққа тобора манзур бўлиб бораётганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Бу мактабларда ишчилар тайёрлаш педагогикасининг ажойиб анъаналарини ҳозирги мактаб маданияти бойлиги билан бирга қўшиш учун жуда қулай шароитлар яратилмоқда. Билим юртларининг коммунистлари ана шу шуҳратни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб умумий таълим мактаблари билан алоқани кенгайтиришлари, кучайтиришлари лозим. Шу жиҳатдан Ленинграднинг тажрибаси ибратлидир. Бу ерда партия ташкилотларининг ташаббуси билан ишчи касбларини пропаганда қилишнинг актив формалари — ҳунар-техника билим юртлари системаси ўқувчиларининг мактабларда ва район пионер уйларида техника ва бадиий ижодкорлик виставкалари, моҳир станокчиларнинг конкурслари, донгдор меҳнат аҳллари билан юқори синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари учрашувларини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш планлари муттасил бажариб келинаётганлиги, уларнинг бир нечтасида ўқувчилар конкурс орқали танлаб олинаётганлиги сабот билан қилинган ана шу хилма-хил ишнинг бевосита якунидир.

Партия комитетлари ҳунар-техника билим юртлари бошланғич партия ташкилотларига конкрет раҳбарликни кучайтиришлари, уларнинг қимматли тажрибасини синчиклаб ўрганиб, умумлаштиришлари, коммунистларнинг ёш меҳнаткашларни тайёрлаш билан боғлиқ фойдали ташаббусларини активроқ қўллаб-қувватлашлари керак.

Ҳунар-техника таълими системасининг мураббийларига ишчилар синфининг шонли анъаналарининг муносиб давомчиларини тарбиялаб вояга етказишдек юксак шараф ишониб топширилган. Ҳар бир билим юрти коммунистик тарбия ва меҳнат маҳоратининг ҳақиқий мактаби бўлиб қолсин!

(«ПРАВДА»нинг 17 ноябрь сонидаги бош мақоласи).

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги муносабати билан меҳнаткашлар, партия ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг коллективларидан, Совет Армияси ва флоти жангчиларидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига кўплаб табрикномалар ва қутловлар келди.

Табрикномалар совет жамиятининг мустаҳкам маънавий сиёсий бирлигидан, совет кишиларининг СССР янги Конституциясида ёрқин ифодасини топган халқимизнинг тарихий зафарлари учун ғоят фахрланганликларидан яққол далолат бериб турибди. Бу табрикномалар ўз мамлакатининг, ўзининг бутун ҳаётининг чинакам хўжайинлари бўлган шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ўсганлигини, ташаббуси ва ижодкорлиги юксалиб бораётганлигини намойиш қилмоқда. Мактубларда Коммунистик партия ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати, КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг собитқадам ва самарали фаолияти тўла-тўкис маъқулланганлиги изҳор этилади.

Меҳнатда эришилган янги муваффақиятлар тўғрисидаги, сўнгги вақтларда янги формалар билан бойиб, янада самаралироқ бўлиб қолган социалистик мусобақа авж олганлиги ҳақидаги рапортлар совет кишиларининг партия ишига, ўзининг ватанпарварлик бурчига садоқатини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Бу эса кўпгина коллективлар беш йилликнинг уч йили топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга эришганликларида яққол намоён бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, мураккаб об-ҳаво шароитларида донли экинлардан рекорд ҳосил йиғиштириб олдилар. Буларнинг ҳаммаси коммунизм қурилиши ишига, халқимиз турмушининг моддий ва маданий даражасини ҳар томонлама ошириш ишига қўшилган реал ва салмоқли ҳиссадир.

Қардош социалистик мамлакатларнинг раҳбарларидан, коммунистик, ишчилар ва миллий-демократик партиялар, ҳукуматлар, чет мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари ҳамда айрим гражданларидан ҳам табрикномалар олинди. Дўстларимиз Улуғ Октябрнинг жуда катта тарихий аҳамиятини, бутун дунёда революцион ва миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг ролини қайд этиб ўтмоқдалар. Улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, социалистик демократияни такомиллаштиришда эришилган муваффақиятлар билан совет халқини астойдил қутламоқдалар. Дўстларимиз КПСС билан Совет ҳукумати кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштиришга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, қуролланиш пойгасини жиловлаш юзасидан таъсирчан чораларни амалга оширишга, барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётган ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тинимсиз фаолияти учун уларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги муносабати билан қутлаганликлари ва эзгу истаклар билдирганликлари учун партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасаларнинг коллективларига, Совет Армияси ва флотининг жангчиларига, қардош социалистик мамлакатларнинг раҳбарларига, коммунистик ва ишчи партияларига, миллий-демократик партияларга, ҳукуматларга, давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек чет мамлакатларнинг айрим гражданларига самимий миннатдорчилик билдирадилар.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** · **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** · **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## СОВЕТ—ЭФИОПИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

17 ноябрь куни Кремлда Совет — Эфиопия музокаралари бўлиб ўтди.

Совет томонидан музокараларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарёв;

Эфиопия томонидан — Социалистик Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Кенгашининг раиси Менгисту Хайле Мариам, муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзолари Берхану Байе, Гессессе Вольде Кидан, муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши Марказий Комитетининг аъзоси Йехвалашет Гирма олиб бордилар.

Музокаралар давомида Совет — Эфиопия муносабатларига доир кўпгина масалалар кўриб чиқилди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстона ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мос тарзда муваффақиятли ривожланаётганлигини томонлар мамнуният билан қайд этиб ўтдилар. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда Совет — Эфиопия ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан конкрет чораларни амалга ошириш мақсадида куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришга ҳар икки томон интилаётганлиги изҳор этилди.

Баъзи бир актуал халқаро проблемалар, шу жумладан Африкадаги аҳвол юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия Африка жанубида империалистик давлатларнинг янги мустамлакачилик найрангларини ва шу давлатлар ирқчи режимларни қўллаб-қувватлаётганликларини қоралайдилар. Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия тараққийпарвар режимларни барбод этиш ҳамда мустамлакачилик ва ирқчилик манбаъларини сақлаб қолиш мақсадида империалистларнинг қитъа ишига аралашувига қарши курашда Африка халқларининг бирлиги ва жипслиги алоҳида муҳим роль ўйнашини якдиллик билан таъкидлаб ўтдилар.

Африка Мугузидаги аҳвол муносабати билан Совет Иттифоқи ва Эфиопия территориал даъволардан воз кечиш, суверенитетни, территориал бутунликни, чегараларнинг бузилмаслигини, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ҳамда ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик муҳитини вужудга келтириш принципига риоя қилиш асосида низоли масалаларни сиёсий бартараф этиш йўли билан ана шу райондаги вазиятни нормаллаштиришга эришишга қатъий аҳд қилганликлари таъкидланди.

Музокаралар ўртоқларча ошкоралик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг саккизинчи сессияси 1978 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани тўғрисида;

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида;

Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини ҳамда ободончилигини янада яхшилаш соҳасида халқ депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунининг лойиҳаси ҳақида;

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунининг лойиҳаси тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**Н. МАТЧОНОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Ҳ. ПЎЛАТОВА.**

1978 йил 17 ноябрь.

Тошкент шаҳри.

## ЖАСОРАТНИНГ ДАВОМИ

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚЎРИҚ ЕРЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СОВХОЗЛАРДАН РЕПОРТАЖ

...Тошкентдан Самарқандга ёки Бухорога самолётда учиб бораётган ҳар бир киши албатта пастда ястаниб ётган мовий денгизга эътибор беради. Бу денгиз чўл ўртасида қаердан пайдо бўлган? Мирзачўлнинг суғориладиган зонасидан чиқариб юбориладиган сув коллекторлар шохобчасидан ўтиб йиллар мобайнида улкан Арнасой ҳавзасида йиғила бошлаган. Жуда катта сув омбори шу тариқа пайдо бўлган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ бу ерда янги — Арнасой райони ташкил этилди. Район территориясида ўнга яқин янги совхоз жойлашган. Совхозлардан бири чехословак халқининг шонли фарзанди, журналист Юлиус Фучик номи билан юритилади. Бу ерда биз кенжа хўжалик асосчиларидан бири, совхознинг биринчи директори Нормурод Холмуродов билан учрашиб қолдик. Тўғри, у яқинда халқ депутатлари район Советининг раиси қилиб сайланди. Холмуродов энг биринчи чўлқуварларнинг қийинчилик пайтлари ҳақида ҳикоя қилувчи кундалик — альбомни авайлаб сақлаб қўйган. Мана суратлардан биттаси. На бир туп бута ва на бир туп дарахт бўлган поёни йўқ кенгликда бир киши қадам ташлаб бормоқда. Ёнида трактор, орқасида дастлабки жўяклар чўзилиб кетган. Суратдаги одам суҳбатдошимиз эканлигини осонгина пайқаб олдик.

— Ҳа, бу — менман,— тасдиқлайди Холмуродов.— Эсимда, икки йил бурун қариндош ва танишларимга худди шунақа суратлар юборгандим. Орқасига «Н. Холмуродов — чўлқувар» деб ёзиб қўйганман. Мен яқинда ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги китобидаги ушбу сўзларни қанчалик ғурурланиб ўқиганлигимни билсангиз эди: «Эски луғатлардан «Қўриқ» сўзини топишингиз мумкин-у, лекин «чўлқувар» сўзини тополмайсиз. Бу сўз коллективлаштириш йилларида туғилган «колхозчи» сўзи сингари 50-йилларда туғилди... Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади». Мен қозоғистон ерида бўлмасам-да, назаримда бу сўзлар менга ҳам тааллуқли...

Н. Холмуродов бизга қўриқни ўзлаштиришнинг кўпгина проблемалари ўхшашлигини айтиб берди. Янги коллективларнинг оёққа туриш жараёни рўй берадиган дастлабки ҳафталар ва ойлар учун хос хусусият бўлган юксак ватанпарварлик, меҳнат кўтаринкилиги вазиятининг ўзи ҳам ўхшаш. Зотан, қийинчиликлар ҳам озмунча бўлган эмас. Энди уларнинг кўпчилиги орқада қолди. Бу йил Арнасой чўлқуварлари ҳар гектардан 40—45 центнердан пахта ҳосили кўтармоқдалар.

— Агар об-ҳаво ноқулай келмаганида эди, бундан ҳам кўпроқ ҳосил йиғиштириб олган бўлардик,— тасдиқлайди Юлиус Фучик номли совхоз директори Саттор Усмонов.

Арнасойга нисбатан «қўриқ» сўзи бирмунча шартлироқ айтилгандай бўлиб жаранглайди. Бу ердаги хўжаликлар ташкил топганига икки йилдан олти йилгача бўлган. Бухоро областидаги Ўрта чўл массиви эса ўзининг биринчи қўриқ йилини якунламоқда. Биз бу ерда ҳам бўлдик. Қаерга нигоҳ ташламанг ҳамма жойда ишловдан чиққан далалар. Оппоқ уйлар — дала шийпонлари кўзга ташланади, каналлар бўйлаб «зангори кема»лар — пахта териш машиналари ҳаракатда. Йўлларда эса машиналар турнақатор. Уларнинг кузовида пахта ва қовун, лавлаги ва маккажўхори... Бир йил бурун эса буларнинг бирортаси ҳам йўқ эди. Дала шийпонлари ва қудратли машиналар, йўллар ва далалар ҳам йўқ эди.

Бор-йўғи икки-уч йил муқаддам Бухоро воҳасида жойлашган ва бекор ётган 250 минг гектар ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, сув чиқариш бўйича дастлабки лойиҳалар тузишга киришилганди. Сўнгра вазифани амалий жиҳатдан ҳал этиш ҳам бошланди. Роппа-роса бир йил муқаддам Ўрта чўлда дастлабки ер тузувчилар пайдо бўлишди. Бўлажак далалар ва сув йўлларининг ўрнини белгилаш бошланди. Шундан сўнг насос станцияларининг монтажчилари келишди, бўлажак далаларга сув берадиган дастлабки ариқ-зовурлар — илгари қурилган Аму-Бухоро магистрал каналининг ўзига хос шохобчалари қазилди. Ён-атрофни қудратли «Кировец»ларнинг шовқин-сурони тутиб кетди. Аввали ҳеч қачон плуг нималигини билмаган чўл шу тобдан эътиборан қўриқ бўлмай қолди.

Мана биз Аму-Бухоро канали трассаси бўйлаб бормоқдамиз. Сув гўё далаларга тезроқ етиб олишга ошиққандай жадал оқади. Ниҳоят, қаршимизда дала шийпони — икки қаватли, олдида айвони бўлган шинамгина оппоқ уй пайдо бўлди. Хоналардан бирида мўъжазгина кўргазма. Ғўза тупи, иккита каттакон қовун. Йигирма килограмм келадиган катта тарвуз. Баҳайбат лавлаги. Бир нечта кунгабоқар.

— Қўриқ еримизнинг илк армуғонлари бу,— дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов.— Ҳаммаси мана шу ерларда етиштирилган.

Сулаймонов кўп йиллар мобайнида «Москва» колхозида ишлади. Биринчилар қатори чўлқувар бўлиш истагини билдирди.

Бу ерларда шунга ўхшаган кишилар кўп. Бухоро области республикада биринчи бўлиб ўзининг асосий экини — пахта сотиш бўйича социалистик мажбуриятини бажарганлиги тасодифий эмас. Ҳозиргина бутун республикага хушхабар тарқалди: давлат тайёрлов пунктларига 5,2 миллион тонна пахта етказиб берилди. Индустриал шаҳарлар ва қишлоқларда, магистрал йўллар ёқаси ва дала шийпонларида — ҳамма жойда: «жонажон ватанга 5700 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз! деган шиор узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Республика пахтакорларининг мажбурияти ана шундай. Жуда оғир ва мураккаб об-ҳаво шароити рўй берганлигига қарамай бу мажбурият ўзгаргани йўқ. Аҳдга вафо қилиш учун бошланган мусобақа кенг авж олиб кетди. Яқинда ўзлаштирилган ерларнинг меҳнатчилари — Ўзбекистон чўлқуварлари бу мусобақанинг энг олдинги сафларида боришмоқда. Халқнинг буюк жасорати — қўриқни ўзлаштириш — давом этмоқда!

**Й. МУҚИМОВ,**
**Н. ПЕТРОВ.**

(«ПРАВДА»нинг махсус мухбирлари. Ўзбекистон ССР).

(«ПРАВДА», 17 ноябрь).

## ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Саидкарим Дилдабеков Чиноз районидаги Энгельс номли колхознинг илғор бригада бошлиқларидан. У етакчилик қилаётган пахтачилик коллективи ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, йил сайин белгиланган план ва топшириқларни ошириб бажармоқда. Бригада аъзолари беш йилликнинг зарбдор йилида ҳам баракали меҳнат қилаётирлар. Улар хўжаликда биринчилар қатори давлатга пахта сотиш йиллик планини бажаришди. Пахтакорлар яна бир қувончли натижани қўлга киритдилар. Улар мавжуд 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,3 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиб, зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Дала гвардиячиси Ўрмон Тўлепов ўз агрегатини юксак унум билан ишлатиб, бригада эришган ютуққа муносиб ҳисса қўшди. Механик-ҳайдовчининг шу кунгача уйган «оқ олтин» хирмони 110 тоннадан ошиб кетди. Т. Эгамова, З. Арслонова, О. Кўмекбоева сингари чевар-теримчилар ҳам баракали меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бирининг терган пахтаси 5—6 тоннани ташкил этмоқда.

Пахтакорлар мажбуриятни бажарсалар ҳам йиғим-терим суръатини сира бўшаштирмаяптилар. Айни кунларда оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом этаётир. Бригада заршунослари ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун курашаётирлар.

**О. МАЪМУРОВ.**

* * *

КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этаётган «Қорасув» давлат наслчилик паррандачилик заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятни асосий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажарди. Мажбуриятда кўзда тутилган 3,6 миллион дона ўрнига 3608 минг дона тухум, 150 тонна ўрнига 287,1 тонна тирик вазндаги парранда гўшти етиштирилди.

Давлатга шу кунгача 3423 минг дона тухум сотилиб мажбурият 104 процент бажарилди. Наслдор тухум сотиш мажбурияти ҳам ошиғи билан адо этилди. Шунингдек, мажбуриятда белгиланган 120 тонна ўрнига 268 тонна пархез гўшти сотилди.

Заводда паррандаларнинг маҳсулдорлигини ошириш борасида қувончли натижалар қўлга киритилаётир. Жумладан, шу кунгача ҳар бир товуқдан 159 тадан тухум олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 тадан кўпдир.

Паррандабоқарлар ўз имкониятларини ва мавжуд резервларни ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 650 минг дона тухум шу жумладан 450 минг дона наслдор тухум ва 120 центнер пархез гўшти етиштириш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар. Шу билан бирга улар қишловни муваффақиятли ўтказиш, паррандалар бош сонини тўла сақлаб қолиш, таннархни камайтириш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

## ДУР ИШҚИДА

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг Сарвар Шохбозов етакчилик қилаётган бригада аъзолари айни кунларда йиғим-терим ишларини зўр уюшқоқлик билан олиб бораётирлар. Шунинг учун ҳам улар хўжаликдаги бригадалараро мусобақада олдинги сафларда боришмоқда.

Бригада теримчи ва механизаторлари ўртасидаги социалистик мусобақа яхши натижалар бераяпти. Саида Мираҳмедова, Мамлакат Салимова, Меҳринисо Эшова, Муҳаррам Ҳайдарова сингари чевар теримчилар мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳар куни хирмонга 100—130 килограммдан «оқ олтин» тўкаётирлар.

Мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 150 тоннадан дур-жавоҳир тўкиш мажбуриятини олган «дала гвардиячилари» Юсуфаҳмад Эргашев, Сардор Рўзимоновлар кундалик суръатга суръат қўшаётирлар. Улар бригаданинг, қолаверса, хўжаликнинг йиллик пахта сотиш халқ хўжалик планининг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Дур ишқида меҳнат қилаётган бригаданинг ғайратшижоатли аъзолари мавжуд 80 гектар майдонда ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

**А. ОРИПОВ.**

